

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

КУТУБХОНАЧИЛИК ДУНЁСИ

9/2007

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

КУТУБХОНАЧИЛИК ДУНЁСИ

9/2007

Ахборот бюллетени

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти

Тошкент – 2007

**Гаврилова Л. Сибирские мотивы //Библиотека.-
2006.-№6.-С.22.**

Сибирь оҳанглари

“Кичик Ватанга катта муҳаббат” ўлкашунослик бўйича дастурни амалга ошириш доирасида кутубхона томонидан “Братскдан Братскгача” тадбирлар цикли режалаштирилган.

Братск-Острожний Ангардаги қадимги қишлоқлардан биридир, у ҳақида биринчи марта 1631 йилда эслаб ўтилган. Шаҳарни 2006 йилда яратилганига 375 йил тўлган машҳур “Қардош қалъа Минораси” маданий архитектураси ажратиб туради.

2005 йилда Братск унга шаҳар мақоми берилганлигининг 50 йиллигини нишонлади. Шу муносабат билан маҳаллий аҳоли ва меҳмонларни ўлканинг бой тарихи, унинг машҳур меҳнат анъаналари билан таништирдик, - деб ёзади Иркутск вилояти, Братск шаҳридаги “МКТ” 2-шоҳобчаси мудирини Людмила Гаврилова.

Кутубхона ходимларининг асосий вазифаларидан бири Ангарда шаҳар ташкил этишга ҳисса қўшган кишилар ва жаҳондаги йирик Братск ГЭСни барпо қилганлар ҳақидаги тарихий хотирани тиклаш эди.

1914 йилда асос солинган 2-шоҳобча кутубхона бу ерлардаги энг қадимги муассасадир. Унинг ишида ўлкашунослик фаолияти асосий йўналишлардан бири бўлган. Бу тасодифий эмас. Уни ташкил этишда орденли-ўқитувчи, биринчи кутубхоначи, ўлкашунос Михаил Ефимович Карпов турган.

Ўтган ўн йилликда кутубхона ўлкашунослик фаолиятида муҳим тажриба билан бойиди ва ўз атрофига қизиққан китобхонлар – Братскнинг туб аҳолиси ва ўлкашунослари: В.Ф.Герасимов, Ю.В.Поповларни, ибодатхона

хизматчиси Андрей Рублевни, “Ёшлар” ва “Ишчи ёшлар” гуруҳларини жипслаштирди.

Братск тўғрисида ахборотлар тўплами, ўлка ҳақида янги маълумотларни излаш, жонажон жойлар тарихи бўйича манбалар фондиди яратиш - кутубхона ходимларининг ютуқларидандир.

“Кичик Ватанга – катта муҳаббат” лойиҳаси ўлкашунослик бўйича бутун тадбирлар дастурини ўз ичига олади, улар орасида “Бутун дунёда у танҳо шундай, бизнинг олтин юбиляр шаҳримиз!” қайтарилган воқеалар кўргазмаси; Братскни, Братск ГЭСини; АЭП-500нинг биринчи қурувчилари билан учрашув кечаси; шунингдек, “Сибирь-шафқатсиз сўз: унда декабристлар ва тайга” ва бошқалар катта қизиқиш уйғотган.

2004 йил 10 декабрда шаҳар куни (12 декабр) арафасида “Братск шаҳар МКТ” №2 шохобча-кутубхонаси биносига Братскдаги биринчи кутубхонанинг 90 йиллигига мемориал-тахтача ўрнатилди.

Захаркина В. Ассамблея читающих отроков
//Библиотека.-2006.-№6.-С.23-24.

Ўқиётган ўсмирлар ассамблеяси

Бугун ҳар қандай кутубхонани у ёки бу жой аҳолисининг тарихий хотираси акс этадиган, узоқ шарқ қишлоқлари манзилгоҳларининг, казаклар қишлоғининг “ўзига хос” энциклопедиясини яратувчи марказ, деб ҳисоблаш мумкин.

Кўпгина бошида кичик қироатхоналар ўз районлари ва аҳоли турар жойларининг “солнома ёзиш” маркази бўлиб қолдилар. Айрим қишлоқ кутубхоналарида музейлар ташкил этилган, унга нафақат кутубхоначилар, балки ўтмишнинг билимдонлари, улар билан бирга эса - қидириш гуруҳига кирган ёш ўлкашунослар ҳам экспонатлар йиғиш билан шуғулланидилар, деб ёзади Еврей автоном вилояти

(ЕАВ) универсал илмий кутубхонасининг шўба муdiri Валентина Захаркина.

Еврей автоном вилояти маҳаллий кутубхонаси қошида 13 қидирув-тадқиқот клублари ишлаб турибди. Клубларнинг мақсади – архивларда қидирув олиб бориш, экспонатларни системалаштириш, аҳоли ўртасида ўз ишини оммалаштириш, ўтмиш моддий маданиятини асрашдан иборат. Фаолият натижалари альбомлар, папкаларда безатилади. Жонажон ўлка тарихини бундан буюн англаш (тушуниб етиш), мактаблар, туб аҳоли, маданият муассасалари билан ҳамкорликда ўлкашунослик мавзусида турлитуман тадбирлар ўтказиш учун асос бўладиган “Қишлоқлар солномаси” юритилади.

Галабанинг 60-йиллик юбилеи йилида болалар айниқса самарали меҳнат қилдилар, шу сабабли клубларнинг қидирув-тадқиқот форуми шаклида ўтказиладиган III “Ўқиётган ўсмирлар ассамблеяси”ни айнан ёш ўлкашуносларга бағишлашга қарор қилинди.

Турли районлардан ўқувчилар бир-бири билан танишиш, қизиқарли топилмалари билан ўртоқлашиш, ниманидир ўрганиш имконига эга бўлдилар. Форум 2005 йил 9 ноябрда бошланди, унинг қатнашчилари бўлган 5 клуб - район танловлари ғолиблари бўлдилар.

Ёш ўлкашунослар ўз клубларини театрлашган кўринишда таништирдилар, тадқиқот фаолияти натижаларини намойиш этдилар. Вилоят ўлкашунослик музейи ходими улар учун саёҳат ва суҳбат ўтказди. Тадбир қидирув-тадқиқот клубларини эсдалик совғалари билан тақдирлаш билан яқунланди, совғаларни ЕАВ ҳукумати маданият бошқармаси бошлиғи В.Д.Игнатъев ва бошқарманинг жамоатчилик билан алоқа қилиш бўйича бошлиқ ўринбосари ҳамда вилоят губернаторининг ОАВ аппарати топширди.

“Ўқиётган ўсмирлар ассамблеяси” тарихи 2001 йил 9 ноябрда вилоят илмий кутубхонаси қироатхонасида бошланди. Шу куниёқ у ижод майдонига айланди, бу ерда қуйидаги:

“Биробиджанская правда” газетаси мухбири Ирина Ланцман ўтказадиган “Қаламни (иқтидорни) синаб кўриш”;

Ўзувчилар уюшмаси аъзоси, “Олтин қалам” мукофоти совриндори И.А.Файнфельд ташкил этган “Адабий саёҳат”;

Раҳбар-рассом график Роза Строкованинг “Қувнок палитра”си;

“Кудесник” (“Сехргар”) театри актери Е.Ю.Федорова машғулот олиб борадиган “Бутун олам-театр”;

Хизмат кўрсатган маданият ходими Л.Н.Куликова ўқувчиларнинг фольклори ва хунармандчилиги билан таништирадиган “Халқ оғзаки ижоди”

ў қ у в с и н ф л а р и о ч и л д и .

Иккинчи Ассамблея сиртдан ўтказилди, бу шакл узок кишлоқлардан (аҳолиси 150 кишидан иборат чекка кишлоқлардан) болалар мусобақада қатнашганлиги учун ҳам афзалроқдир.

Турнирни маблағ билан таъминлаш қийин эди, бироқ Давлат думаси депутати С.И.Штогриннинг кўмаги билан ғолиблар вилоят марказига таклиф қилинди ва улар совринларини ола олдилар.

Тадбирнинг асосий вазифаси – кутубхоначи ва ёш китобхоннинг ижодий ҳамкорлигига таъсир этиш, китобга қизиқишни тарбиялаш, ўсаётган шахсни ўз-ўзини ижодий очишга ёрдам бериш, ёш иқтидорларни рағбатлантиришдан иборат. Танлов 2 босқичда: район ва вилоят сиртқи танловдан иборат эди, учрашув ва тақдирлаш Биробиджон шаҳрида бўлди.

11 ёшдан 16 ёшгача бўлган иштирокчилар:

- поэтик ижод;

- кутубхона тўғрисида репортаж (лавҳа, мақола, эссе);
- узоқ шарқлик ёзувчи китобига ишланган расм;
- қидирув-тадқиқот ишлари (ўлкашунослик мавзусида реферат шаклида);
- техник ижод (ғоя);

н о м и н а ц и я л а р и б ў й и ч а б е л л а ш д и л а р .

Иккинчи танлов турида район танловларида ғолиб чиққан 128 киши қатнашиб, улардан 43 нафари маррага чиқа олдилар. Тақдим этилган ишларнинг ҳар бири ўзига хослиги, табиатга, жонажон қишлоғи, шаҳри, ўлкасига муҳаббатни шеъриятда, тасвирий ижодда, қидирув фаолиятида акс эттиришга қодирлиги билан ажралиб турарди.

Лауреатларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш тантанаси ўтказилди, унда Биробиджон мусиқа мактабидаги иқтидорли ғижжакчилар, гитарачилар, пианиночилар – ғолибларнинг тенгдошлари чиқишда бўлдилар. Танлов ғолиблари кинотеатрда, вилоят ўлкашунослик музейида, қаҳвахона, муз шаҳарчада бўлдилар.

Районлар кутубхоначиларининг фикрига кўра Ассамблеяни сиртдан ўтказган маъқуллиги аниқланди, унда узоқ қишлоқлардан болалар, кўп болали ва кам таъминланган оилалардан ўғил ва қизлар қатнаша оладилар. Ғолиблар ичида шундай кўп болали (10 бола) оиладан опа-сингил рассомлар ва Валдгейм қишлоғидаги мактаб-интернатидан болалар ҳам бор.

Ассамблеянинг бош тамойили – ўқишга қизиқишни ривожлантириш, усталик ва ижод ҳақида тасаввурни кенгайтириш, кутубхона клублари ва тўгаракларида аввалгидек китоб асосий ва муҳим бўлиб қолаётганлиги туфайли маданият ва санъат усталари билан мулоқотни ташкил этиш бўлиб қолмоқда.

**Кондратьева Н. Формула доброго соседства:
Духовные ценности //Библиотека.-2006.-№8.-С.11-12.
Яхши кўшничилик ифодаси**

Миллий бирлик ғояси – мамлакат таянган ва хаётимиз курилайётган маънавий асосдир.

Ҳозирда Россиянинг кичик шаҳарчалари даражасида давлатнинг миллий сиёсати амалга оширилмоқда ва буюк Россия халқларининг тарихи ва маданиятини сақлаш, ҳар бир оиланинг бахт-саодати кўп жиҳатдан унга боғлиқдир.

“Челябинск вилоятида 130 дан ортиқ миллатдаги одамлар яшайди...” бу ибора маданият жамоатчилиги йиғинлари ва байрамларни ўтказиш вақтида доимо айтилади. Уни “...улар ўз фикрини ифодалашда тўла ҳуқуқли асосда, аҳил ва иноқ яшайдилар” деб тўлдириш мумкин. Бу ҳақиқатга тўла тўғри келади.

Челябинск вилояти Трехгорний шаҳридаги 5 миллат ва этник гуруҳ вакилларига хизмат кўрсатадиган Марказий шаҳар кутубхонаси 2004 йилдан “Яхши кўшничилик ифодаси” деб номланган миллий муносабатлар ва маданият-ни ривожлантиришга ёрдам берувчи дастурга қўшилган.

Дастурга ўқиш зали кутубхоначиси Лариса Юрьевна Кривушенко раҳбарлик қилади, - деб ёзади ШМК бош кутубхоначиси Надежда Кондратьева.

Дастур бўйича ишлаш жараёнида қатор муҳим ва долзарб масалалар:

- ватанпарварликни тарбиялаш, миллий маданиятга қизиқишни мустаҳкамлаш;

- мамлакатда, минтақада, Трехгорний шаҳрида миллий сиёсат масалалари бўйича ахборот ресурсларини яратиш;

- шаҳар ўқув муассасаларида ўлкашунослик масалалари бўйича ўқув жараёни ахборотли таъминлаш

ка б и м а с а л а л а р ҳ а л қ и л и н а д и.

Тадбирлар комплексига: “Челябинск вилояти маданияти”, “Кадрдон жойлар топонимикаси”, “Урал ерлари кўриқхоналари”, “Урал бадий хунармандчилиги”, “Урал ерлари анъаналари ва урф-одатлари” каби мавзуларда китоб-расмли кўргазмалар ташкил этиш киради.

“Урал – умумий уйимиз” кўргазмалар цикли кутубхонанинг ўлкашунослик ресурсларини келувчиларга ўзига хос ҳолда намойиш этади, экспозицияни безашда миллий кийимлар буюмлари ва Уралнинг туб аҳолиси турмуши буюмлари кенг фойдаланилади, муסיқий безак ҳам пухталик билан танланади.

Кичик ва ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар учун “Урал тоғларининг бойликлари”, “Тоғли ўлка эртаклари ва афсоналари” номли ўлкашунослик соатлари ўтказилади.

Авлоддан авлодга ўтиб келаётган қадимги нақллар туғилиб ўсган ер ўтмишига, унинг маънавий маданиятига кизиқиш уйғотади, турли миллат кишиларини бир-бирига яқинлаштиради.

“Жонажон жойлар топонимикаси” ўлкашунослик дарсларини ўтказишдан мақсад – ўлка ўтмишига диққатни тортиш, келтирилган географик номлар тарихи, этнографияси, археологиясининг қизиқарли фактларига тўхталишдан иборат. Урал тоғ тизмаларига мингдан ортиқ тоғлар кириб, улардан ҳар бирининг ўз номи бор, бу номлар воқеалар ва машҳур ҳамюртларни эслатиши мумкин. Дарс давомида болалар, масалан, Хурал уул Яманту, Катав-Ивановск, Юрюзань, Василровка, Месседа номларининг келиб чиқиши ҳақида билиб оладилар.

“Кўпмиллатли Урал” суҳбат саёҳат Татаристон, Бошқирдистон муסיқа маданияти кунлари, “Адабий Урал” радиообзори юқори синф ўқувчиларининг ёдида қолган. Учрашув П.П.Бажов қиссалари асосида суратга туширилган фильмлар намойиши, халқ оғзаки ижоди асарларини бадий ўқиш билан ўтказилди.

Кутубхона “Кояш” бошқирд маданий маркази билан мунтазам ҳамкорлик қилади.

2005 йилда юқоридаги дастур доирасида “Кояш” маркази ташаббускорлари К.Р.Якупова, Н.С.Волкова, Р. З. Волковаларнинг қўллаб-қувватлаши билан кутубхонада Бошқирдистон ва Татаристон маданияти ҳафталиги бўлиб ўтди.

Шаҳарда яшайдиган миллатлар маданияти ва ҳаёт тарзини ўрганиш ўсиб келаётган ёш авлод билан ишлашда долзарбдир. 2006 йилги “Яхши қўшничилик ифодаси” дастури бўйича ёшлар учун оммавий тадбирларнинг асосий мавзуси – “Урал халқлари анъаналари орқали оилани асраш”дир. Ёш китобхонларнинг психологик ўзига хослигини, уларнинг оила қуришга қизиқишларини ҳисобга олиб, Трехгорний имом-хатиби билан ижодий алоқада, санъат мактаби ўқувчилари ва педагоглари билан кутубхона “Бошқирд тўйлари” этнографик кеча ўтказди. Асрий анъаналар тўғрисидаги ҳикояларга қадимий қўшиқ ва рақслар жўр бўлди.

Кутубхонанинг ахборот ресурслари ўз нашрлари билан тўлдирилмоқда: “Чегарада, Россия чеккасида: Челябинск вилоятининг 70 йиллига” аннотацияли библиографик кўрсаткичи жонажон ўлкасининг ўтмиши, ҳозирги кун ва келажагига қизиққан барчага – мактаб ва лицейлар ўқувчилари, талабаларга мўлжаллангандир. Кўрсаткичга киритилган адабиётлар, китоблар ва мақолалар КБК жадвалининг ўлкашунослик каталоглари учун вариантга мувофиқ системали тартибда жойлаштирилган.

“Урал – умумий уйимиз” ўлкашунослик тадбирларининг аннотацияли кўрсаткичи, “Ураллик муаллифларнинг прозаси ва поэзияси”, “Бошқирдистон: ўлка ва одамлар” адабиётларнинг тавсия рўйхатини, “XX-XXI асрларда Челябинск вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш” матбуот-дайджестини ҳам айтиш зарур.

“Жанубий Урал халқларининг миллий байрамлари” матбуот-дайджести китобхонларни рус, украин, татар, бошқирлар – динга ишонувчиларнинг маънавий ҳаёти, христиан ва мусулмон байрамлари билан таништиради.

“Челябинск вилояти: фактлар ва рақамлар”, “Муҳим ва унутилмас саналар”, “Трехгорний. Маданий ҳаёт панорамаси” ахборот досъеси ҳам чиқарилади.

Маърифий фаолият шаҳар миллий марказлари, таълим муассасалари билан ҳамкорлик яхши натижалар беришга кутубхона жамоаси ишонади.

Обедина С. Звенья одной цепи: содружество библиотеки с писателями //Библиотека.-2006.-№6.-С.19-21.

Бир занжирнинг халқалари

Ёзувчи, ёшлар, ўқиш – бир занжирнинг халқалари. Адабиётчи ва кутубхона ходимига жуда катта ахлоқий масъулият юкланган. Ватанпарварлик, кичик Ватанга, мумтоз адабиётга муҳаббатни қандай тарбиялаш мумкин? Шоир ва наср ижодкорларининг вазифаси – китобхонда юксак порлоқ ҳис-туйғуни уйғотишга қодир бадиий асар яратишдир.

Бизнинг асосий ишимиз, - деб ёзади Коми республика ўсмирлар кутубхонаси ўқув залининг бош кутубхоначиси Светлана Обедина, - бу дурдона асарларни, кўнгилдаги ҳис-туйғулар ва муаллифлар ғояларини ёш юракларга етказишдир. Шу муносабат билан кутубхоналарнинг ҳаёти ва ижоди жонажон ўлкадан ажралмайдиган ва ўзлари ҳам ўз-ўзидан ўлкашунослик предмети бўла оладиган маҳаллий адабиётшунослар билан ижодий алоқаси, айниқса муҳимдир.

1990 йиллар ўрталаридан ёшлар билан ишлаш шакли ўзгарди. Ёш фуқароларни миллий маданий мерослар ва жонажон ўлка анъаналари билан таништиришга алоҳида

ўрин берилди. Бадиий адабиёт катта маърифий, таъсирчан, эстетик, маърифий куч-қудратга эга.

Коми республикасида яшовчи ёзувчилар – Е.Габова, М.Плеханова, П.Столповский, Г.Спичак, А.Каневлар инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган асарларига ёш китобхонларнинг талаблари катта.

Коми республика ўсмирлар кутубхонаси ходимлари томонидан ишланган “Китоб саҳифаларини варақлаб, ўлка бўйлаб саёҳат қиламиз” инновацион лойиҳа республика китоб нашриёти билан шартнома асосида амалга оширилди.

Ҳамкорликнинг бу шакли шоирлар, ноширлар, журналистларни ёшлар билан ижодий суҳбатга эркин жалб қилиш имконини берди, реклама механизми фойдали бўлиб қолди. Лойиҳа доирасида “Барчамиз кафтдагидекмиз” (П.Столповский ижоди бўйича), “Иккингиизга” (М. Плеханова китоби бўйича), “Янги оҳанглар муаллифи” (Г.Спичакнинг бадиий ва публицистик асарлари бўйича) каби тадбирлар цикли ишлаб чиқилди. Барча учрашувлар кўргазмали материаллардан фойдаланиб ўтказилди: китоб кўргазмалари ташкил қилинди, стендлар безатилди. Биз китобхонни қизиқтиришга, лол қолдиришга, хурсанд қилишга, таниш номлар ва асарларни фаол ўзлаштиришга, фикрлашга ўргатишга интиламиз.

У қандай шаклда: у мусиқий ҳамкорлик, драматик жамоа, адабий биродарлик бўлмасин ёшлар ўзини маънавий тадқиқ қилиш билан шуғулланадиган ёшлар бирлашмаларини севаман, - деди ўз ижодий кечасида Марина Плеханова. - Инсон қалби, айниқса ёш қалб – даврнинг ўзига хос кўзгусидир.

Марина Плеханова ўзининг “Вена стуллари”, “Иккингиизга”, “Бир ҳаёт шифохонаси” каби ҳикоя ва қиссаларида катта ички ҳис-туйғу билан 1990 йиллар кишилари ҳақида ёзади.

Петр Столповский “Коинотдаги қоқи ўт” китобида ҳаёт оқими билан бораётган ва унинг шиддатига у қадар қаршилик кўрсатмаётган, у қадар жиддий бўлмаган барчага мурожаат қилади. Ёзувчи ғаройиб цивилизацияга берилиб жамиятнинг энг таъсирчан нуқталарида қора кучларнинг иштирок этишига кўниб, эзгуликдан юз ўгириб, боши берк кўчага кириб қолмаяпмизми, деган саволларни ўйлаб кўришга мажбур қилади.

Сивтивкорлик ёзувчи ва публицист Григорий Спичак номи кўпчиликка таниш. Комида илгари Гулагдан кейин қолган фикрловчи шахсларнинг образлари, православ мавзусида асар яратилмаган эди.

Афғонистондаги уруш, қаҳрамонлик ва сотқинлик психологияси, алоҳида шахснинг кечинмалари ва умуман жамиятнинг руҳий касаллиги – булар муаллифни ҳаяжонлантирадиган мавзулардир.

Григорий Спичакнинг қатор асарлари ҳаммуаллифи – Андрей Каневдир.

А.Каневнинг “Хаттабич”, “Ёлғиз ўзи”, “Тоғлар ва водийлар оралаб” каби асарларида умумий кулоқ қилиш, лагер, қишлоқ, университет, армия мавзулари ётади.

Республика адиблари ёшлар аудиторияси билан осонгина алоқа ўрнатганлар. Г.Спичак юқори синф ўқувчилари билан бир неча марта учрашган, катта аудитория билан ҳам, кичик ёшдаги тингловчилар билан ҳам умумий тил топган. М.Плеханова билан учрашувда адабиётда ўз кучини синаб кўрмоқчи бўлган ўспиринлар ва қизлар билан қизиқарли суҳбат бўлиб ўтган. Ёзувчилар билан мулоқот жуда кўтаринки вазиятда ўтди.

Уларнинг шахсий китоб кўргазмаларини, стендларини безатишда кутубхоначилар ноёб библиографик манба бўлиб қолган шеърлар тўпламлари, 10-15 йил олдинги “калин” журналлар саҳифаларида фаол босилган

адабиётшунослик материаллари, ноёб суратлар топа олдилар.

Яқиндагина Коми Республикаси Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан Воркутада, Сивтивкарда, Шельяурда, Интада, Удорда яшовчи олтамиш муаллифнинг асарлари йиғилган “Белый бор” адабий альманахнинг учинчи наشري босилиб чиқди.

“Китоблар саҳифаларини варақлаб, ўлка бўйлаб саёҳат қиламиз” лойиҳаси устида ишни давом эттира бориб, Коми Республика ўсмирлар кутубхонаси ходимлари навбатдаги учрашувни Е.Габова ижодига бағишладилар. Меҳмонлар - 8-синф ўқувчилари унинг китоблари билан анчадан буён танишлар: улар бошланғич синфда “Гришуня на планете Лохматиков” эртак-қиссаси асосида иншо ёзганлар. Болалар ҳозирда илгари ўқиган китобларини бошқача қабул қиладилар, улар улғайганлар, улар ҳаётида биринчи муҳаббат пайдо бўлган, ўз қалбини, ўзини тушунишга интилиш пайдо бўлган.

Ҳозирда “жаҳонда энг ўқимишли мамлакат” тўғрисидаги сўзлар аччиқ кинояга сабаб бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида шахс аҳамияти ва устуворлиги ўзгарди.

Афсуски, ҳозирги китоб дунёсида ёш китобхоннинг адашиб қолиши ва ҳақиқат йўлидан оғиб кетиши осон.

Ёзувчилар ва кутубхоначилар айниқса хушёр бўлишлари зарур. Имкон борича, сифатли ва публицистик адабиётдан зўравонликка сиғиниш ва бошқа ножўяликларга қарши ишончли тўсиқ қўйиш лозим ва ёшларда яқинларига муҳаббат туйғусини тарбиялаб, уларни ахлоқийлик, инсонпарварлик мамлакатига олиб кириш лозим.

Лакосник С. Не исчезай, мое село!: Земля предков
//Библиотека.-2006.-№9.-С.13-14.

Ўлкашунослик материалининг катта тарбиявий, ватанпарварлик имкониятлари шахснинг ота-онаси, ҳамқишлоқлари мисолида, ўз шахри, қишлоғи тарихидан воқеаларда ўсиш имконини беради. Кўпгина ташкилотлар ва муассасалар (мактаблар, олий таълим муассасалари, архивлар, ижодий ва жамоатчилик ташкилотлари) маданий анъаналарни ўрганиш ва асраш билан шуғулланадилар. Бироқ, бу ишда кутубхоналарнинг алоҳида роли каттадир.

Кейинги йилларда Волоконовск райони кутубхоналари ишида ўлкашуносликка борган сари эътибор кучаймоқда. Бу бежиз эмас, албатта, улар билан кундалик дунёқарашда жонажон ўлка тақдири билан шахсий дахлдорлик туйғуси, ўз ўлкасига ўзининг бир бўлаги сифатида ўз ўтмишига ҳурмат ва қизиқиш тикланади, деб ёзади, Белгород вилояти, Волоконовка қишлоғидаги район марказий кутубхонаси методисти С.Лакосник.

2002 йилда район марказий кутубхонаси қошида тузилмавий бўлинма сифатида ўлкашунослик шўъбаси ажратилди. Бўлим ўз фаолиятини “Бўлиб ўтганларнинг барчасини эслаймиз ва авайлаб асраймиз” узоқ муддатли дастур асосида қурмоқда. Шўъба ходимлари тарих фани ўқитувчилари, ўлкашунослар, ўлка тарихи, табиати, маданияти билимдонлари билан ҳамкорликда ишламоқдалар. Китобхонлар билан ишлашнинг жонажон ўлка анъаналари тарихини мустақил тушуниб етишга ундовчи интер-фаол шакллари таянилмоқда.

“Биз бахт ва тинчлик қасамёдини қабул қиламиз” мусобақа-ўйини, шунингдек “Черноземия юраги”, “Қаерда мени билиб ва эсласалар ўша ер менинг Ватаним” ўлкашунослик ўқишлари, Белгород ери ёзувчи ва шоирлари билан сиртқи учрашувлар, маҳаллий бадий сўз усталари

ижодининг тақдимоти, бадиий асарлар инсценировкалари, уруш фахрийлари билан учрашувлар шу мақсадга хизмат қилдилар.

Район Марказий кутубхонаси қошидаги музейда ҳарбий хизматга чақирилувчилар кунини ўтказиш анъанага айланди. Музей заллари бўйлаб обзор экскурсия билан биргаликда чақири- лувчиларга ёшларни “Ватанга хизмат қилишга тайёрмиз” ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси мавзусидаги мусикий-шеърый композиция намойиш қилинди.

Грушевка қишлоғида туғилиб ўсган ҳамюрт генерал-лейтенат В.Н.Бусловский музейга совға қилган экспонатлар билан безатилган “Ажойиб одамларнинг ажойиб юрти” экспозицияси чақирилувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

“Ғойиб бўлма қишлоғим менинг!” Марказий кутубхонанинг ўлкашунослик шўъбаси кутубхоначилари шундай акция билан райондаги барча ҳамюртларига, ҳамшаҳарларга мурожаат қилдилар. Унинг мазмуни-йўқолиб кетган ва эндиликда йўқолиб бораётган ва афсуски қутқариб бўлмас рус қишлоқлари ҳақидаги хотирани асраш. Ҳар бир йўқолиб бораётган қишлоқ билан маънавий маданиятнинг бир қисми йўқ бўлиб бормоқда. Ҳали кеч бўлмасдан ўтмиш нидосига кулоқ тутиш лозим.

Марказий кутубхона, ўлкашунослик шўъбаси “Волоконовск районининг йўқ бўлиб кетган ва йўқолиб бораётган қишлоқлари энциклопедияси”га материал йиғишда иштирок этишга барча ҳамюртларни чорлайди. Бу солнома ҳаққоний, ишончли бўлиши лозим. Унда бизнинг аждодларимизнинг шуҳратли ишлари ҳақида ҳикоялар ўрин олиши ҳам мумкин, бу билан биз фахрланамиз.

Энциклопедияга ўз ҳаётининг турли босқичларини яшаб ўтказган кексаларнинг гувоҳликлари ҳам киритилиши лозим. Шунда барча йиғилган материални буви ва боболар энциклопедияси, халқнинг ўзи каби ўзига хос деб қўрқмай

айтиш мумкин. Бу чақирик билан Марказий кутубхона кутубхоначилари қишлоқ кутубхоначиларига маҳаллий газета саҳифаларида ва радио орқали мурожаат қилдилар.

Энциклопедиянинг тахминий бўлимлари:

1. Қишлоқ номи, унинг тарихи;
2. Инқирозга юз тутгунга қадар аҳолисининг сони;
3. Колхозлар раисларининг фамилияси;
4. Қишлоқ аҳолисининг асосий машғулоти тури;
5. Қишлоқнинг иқтидорли кишилари (муסיқачилар, дурадгорлар, қуёвчилар, тўқувчилар ва х.к.).

Ўз туғилиб ўсган жойига чуқур меҳр-муҳаббат инсонга хосдир. Бу ёрқин туйғу инсоннинг дунёқарашида мавжуд. Инсонлар ҳох қишлоқ, ҳох шаҳарда яшамасин, ҳар бир жойнинг ўз тарихи ва ўз қаҳрамонлари бор.

Ўлкашунослик – бу аждодларимиз бизга қолдирган нарсаларгина эмас, яна биздан кейин авлодларга қоладиган нарсалар ҳамдир.

Акцияга лаббай деб жавоб берганлардан кутубхонага турли-туман материаллар келиб туша бошлади.

Йўқолиб бораётган қишлоқлар энциклопедиясини яратиш ажойиб ғоя, фикр! Бундай ишни ҳамма жойда қилиш мумкин. Фақат унинг ташаббускорларини биз ҳам чорлаймиз.

Страхова В. Информационное пространство района //Библиотека.-2006.-№9.-С.15-18.

Туманнинг ахборот майдони

Ўлкашунослик кутубхоналаримиз фаолиятининг етакчи йўналишларидан бири бўлиб қолаётганлиги – Россия жамиятида яна ватанпарварлик ва ватан тарихини билиш талаб қилинаётганлиги янги давр аломатидир. Аммо ўлкашуносликнинг объекти нафақат ўтмиш, балки ҳозирги ҳаёт, ва унда шаҳарлар ва бутун давлатимиз келажаги ҳамдир.

Ҳозирда кўп кутубхона ходимлари бу ишни жуда муҳим ва долзарб деб ҳисоблайдилар.

“Хроника краеведа” журналини чиқаришни қўллаб қувватлаймиз. Унинг нашри ўлкашунослик иши тажрибаларини кенг алмашишга ёрдам беради. Биз ҳам ўлкашунослик бўйича тажрибамиз билан ўртоқлашмоқчимиз, деб ёзади Нижний Новгород шаҳри, Москва районидаги “МКТ” маҳаллий маданият муассасаси (МММ) директори муовини Валентина Страхова.

Нижний Новгороднинг энг ёш районларидан бири – Москва райони аҳолиси юксак номи, район ва шаҳар даражасидаги асосий мавзуси ўлка тарихи бўлган кенг доирада ўтказиладиган оммавий тадбирларнинг кўплиги билан фахрланадилар. Ўлка маданияти ва тарихи музейи билан фахрланадиган районлар кам бўлса керак.

Москва райони 1970 йилда ташкил этилган. Ҳозирда районда 133 минг аҳоли истиқомат қилади. Район саноат ва тармоқ илмий муассасалари билан ажралиб туради. “МИГ”ларни чиқарадиган “Сокол” авиация заводи, тажриба-конструктив бюроси, машинасозлик заводи ва бошқа ҳарбий-саноат комплекси йирик муассасалари район ҳудудида жойлашган.

Нижний Новгород россияликлар ва хорижликлар учун очиқ бўлгач, район ҳақидаги ахборотни ҳам олиш мумкин. Бироқ бу вақтда район тўғрисида тўлиқ, системалаштирилган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот йўқ эди. Бирдан ҳамма жонланди.

Ўн йил илгари районнинг 25 йиллиги байрамига тайёргарлик давомида бундай ахборот барчага зарур бўлди ва кутубхоначилар Москва районининг олдинги тарихи, унинг ажойиб кишилари тўғрисида материални йиғиб бердилар.

Катта қисми кутубхоначилар томонидан ёзилган (аҳолининг район тўғрисида ҳикоялари, шеърлари, иншо-

лари киритилган) “Москва районига муҳаббат билан” китоби ва оммавий тадбир сценарийси кенг фойдаланилади.

Н.К.Крупская номидаги кутубхона-МКТ тармоғи етакчи мавзу сифатида ўлкашуносликни олиб, Нижний Новгород ва район тарихини чуқур ўрганишга киришди.

Ўтган йиллар учун катта материал йиғилди, улар асосида район аҳолиси учун бир неча байрамлар ўтказилди, маҳаллий газетага мақола тайёрланди, ва ҳатто “Нижний Новгороднинг Москва райони: справка ахборот мавзули нашр: йўлқўрсаткич” китоби нашр қилинди (Н.Новгород, 2004). Уни тайёрлашда Москва райони МКТ тайёрлаган материаллардан фойдаланилди. Уларни кутубхона ходимлари тузган ва кутубхона томонидан нашр қилинган.

Улар: Улицы Московского района: топонимический справочник. -Н.Новгород, 2002.-76 с., с илл.

25 лет ЦБС: Годы. Библиотеки. События. Люди. Н.Новгород, 2002.-190 с.- (Юбилейный сборник).

2004 йилда “Единая Россия” сиёсий партиясининг район бўлими “Севимли Москва райони” ижтимоий лойиҳа танловини эълон қилди. Бу лойиҳага қўшилган Н. К. Крупская номидаги кутубхона-МКТ тармоғи ўз базасида район ўлкашунослик ахбороти марказини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Лойиҳа ишланди ва у билан район танловида кутубхона компьютер техникаси олиш учун ғолиб чиқдилар.

Кутубхона компьютер, ксероксга эга бўлди, энг муҳими – ўз электрон ресурсини яратиш ва фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Ҳозирда кутубхонада:

- мақолаларнинг ўлкашунослик картотекаси;
- “Москва райони: кеча, бугун, эртага” картотекаси;
- ахборот ва тавсия рўйхатлари фонди;
- мавзули папкалар фонди;

- ўлкашунослик хусусиятидаги оммавий тадбирлар сценарийлари фонди;
- “Москва райони бўйлаб” ва “МИГ ўтмиш ва келажак оралиғида” электрон коллекцияси;
- “Москва райони” мақолаларнинг электрон картотекаси

я р а т и л г а н.

Турган гапки, буларнинг ҳаммаси ўлкашунослик ишларини кенг кўламда авж олдириш учун асос яратишдир.

Кейинги қадам район ўлкашунослик ахборот марказини яратиш бўлди.

Марказнинг куйидаги мақсад ва вазифалари белгиланди: Нижний Новгороднинг Москва районини ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришда иштирок этиш; ўлкашунослик нашрлари фондини яратиш ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида фуқаролар, давлат ва жамоат тузилмаларини ахборот эҳтиёжларини тўла қондириш учун шароит яратиш; ўлкашунослик ахборотидан кенг фойдаланишни таъминлаш, аҳолини ўлкашунослик ахбороти билан ахборотли таъминлаш тизимини яратиш; маҳаллий доирада ахборот ресурсларини яратиш; ўлкашунослик масалалари бўйича справка-библиографик фонд сифатий таркибини яхшилаш, шу жумладан “МАРК” ахборот-қидирув тизимидан фойдаланган ҳолда ўлкашунослик электрон СБА яратиш.

Марказга куйидаги вазифалар юкланди:

- тарихий ўлкашунослик ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва аҳолининг турли тоифаларига фойдаланиш учун тақдим этиш; Нижний Новгород, Нижегородск вилояти ва Москва райони ҳақида китоблар, вақтли нашрлар, видео ва электрон нашрлар фондини яратиш, адабиётлар билан китоб фондини тўлдириш ва ўлкашунослик мавзусидаги вақтли нашрларга обуна бўлиш;

- “Москва райони: кеча, бугун, эртага” мақолаларнинг электрон картотекасини юритиш; унда вақтли нашрлардан мақолаларни, турли нашрлардан бўлимлар ва қисмларни акс эттириш. Москва районининг барча МММ “МКТ”ларини электрон ахборот ташувчиларда (муассасанинг барча кутубхоналари ахборот ресурсларини тўлдириш мақсадида электрон маълумотлар базаларининг нусхасини кўпайтириш) ахборот билан таъминлаш;
- ихтисослашган справка-библиографик апарати, жумладан, электрон ахборот ташувчилардан фойдаланган ҳолда яратиш (ўлкашунослик масалалари бўйича ахборотни аҳолига тақдим этиш учун каталог ва картотекалар тизимини, электрон маълумотлар базасини ташкил этиш);
- ахборот ва махсус алоқа маҳаллий агентлиги бошқармаси билан аҳолини ҳуқуқий ахборот, жумладан, Нижегородск вилояти қонун материаллари билан таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;
- ўлкашунослик ахборотига аҳолининг эҳтиёжларини, маҳаллий ходимларнинг талабларини ўрганиш учун социологик мониторинг ўтказиш;
- Москва райони маъмурияти вакилларини, ижтимоий ўз-ўзини бошқариш кенгашлари раҳбарларини, маҳаллий оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ходимларини муҳим кутубхоначилик-библиография хизмати билан таъминлаш;
- ўз фаолиятини реклама қилиш учун ОАВ, нашриёт-тахририят тузилмалари билан ҳамкорлик қилиш. Ўлкашунослик адабиётларини нашр қилувчи нашриётлар билан нашрларни оммалаштириш мақсадида ҳамкорлик қилиш; ўлкашунослик китобларининг тақдимотини ўтказиш;
- ўлкашунослик бўйича жиддий иш олиб бораётган Нижегородск ВУИК, Нижний Новгороднинг бошқа МММ “МКТ” кутубхоналари билан ҳамкорлик қилиш; ўлкашунослик ва бошқа ахборот марказларининг иш тажриба-

сини ўрганиш: ўлкашунослик ахборот иши бўйича ўз тажрибасини умумлаштириш ва илгари суриш;

- Нижний Новгород ва Москва райони тарихи ва маданияти бўйича ўлкашунослик адабиётлари ва оммавий тадбирлар кўрғазмасини ташкил этиш; ўлка тарихини севувчилар клуби ишини ташкил этиш.

Район ўлкашунослик ахборот марказининг электрон-ахборот ресурсларига алоҳида эътибор бериш лозим.

“Москва райони” электрон картотекаси жуда муҳим бўлиб, унда район тарихи ва ҳозирги ҳаётининг турли томонларига бағишланган нашрлар 2000 йил январидан бугунги кунгача акс эттирилган. 33 манбадан материал олиниб, улардан 26 таси Нижегород газеталаридир. Материалларни 323 калит сўзлари бўйича қидириш мумкин.

Н.К.Крупская номидаги кутубхона базасида район ўлкашунослик ахборот марказини ўтган йил охирида бўлиб ўтган очиш дастури кутубхонанинг район ўлкашунослик ахборот маркази сифатида фаолиятининг барча йўналишини ёритиб берди.

“Н.К.Крупская номидаги кутубхонанинг ўлкашунос-лик ахборот ресурслари” электрон тақдимоти бўлиб ўтди.

Йиғилганлар эътиборига Москва райони кутубхона-ларининг ўлкашунослик ахборот ресурсларининг таҳлили ҳавола қилинди.

“Москва райони” мақолаларнинг электрон карто-текасининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Район ўлкашунослик ахборот маркази раҳбари Н. М. Коренева ва бош кутубхоначи Н.Н.Агафонова ўз муаллиф-лик ахборот-библиографик қўлланмаси “Москва райони бўйлаб” ҳамда “МИГ: ўтмиш ва келажак оралиғида: электрон тақдимот”ни тақдим этдилар.

Бу байрамда “Кварц” нашриёти ходимлари, Нижегородск ВУИК ва ШМК вакиллари, Москва райони маданияти ва тарихи музейи ходимлари, район мактаблари-

нинг ўлкашунослик ўқитувчилари, “Рабочая жизнь” газетаси таҳририяти меҳмон бўлдилар ва улар Москва районининг маданий ва ахборот майдонидаги бебаҳо ўрнини юқори баҳоладилар.

Марказнинг 3 та олий махсус кутубхоначилиқ ва 1 нафар ўрта махсус кутубхоначилиқ маълумотига эга 4 нафар ходимдан иборат жамоасига методик ишлари учун 10 фоиздан 25 фоизгача устама ҳақ белгиланган.

Шундай қилиб, марказда тажрибали, юқори маълумотли, марказни ривожлантиришга қизиқувчи мутахассислар ишламоқда. Аҳоли эса жонажон райони ҳақида тўлиқ, ишончли ахборотни ўз вақтида олиш имкониятига эга.

**Сидорова Н. Зеркало истории //Библиотека.-2006.-
№9.-С.19-20.**

Тарих кўзгуси

Кутубхона ҳар доим жамиятнинг зарурий эҳтиёжларини, ғояларини, мақсадларини ақс эттирган. Бугунги энг мураккаб даврларни мамлакат билан бирга бошдан кечириб, кўп нарсада ўз ролини қайта кўриб чиқиб, китобхон билан мулоқотнинг янги самарали шаклларини излаб топмоқда.

Тадқиқотчи-тарихчилар, музейлар, мактаблар, жамоат ташкилотлари, ҳаваскор-ўлкашунослар-ишончли ахборотга эҳтиёж сезувчи барча ўртасида ҳақиқий алоқа канали бўладиган кутубхона ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос кўзгуси бўлиш билан бирга унинг такомиллашуви ва туб ўзгаришларида фаол иштирокчи бўлиб қолмоқда.

Моршанск шаҳар кутубхонасининг ташкил этилиши ва ривожланиши шаҳар тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Бу ҳақида Тамбов вилояти Моршанск шаҳар МММнинг

“Марказлашган тизими” нинг Марказий шаҳар кутубхонаси етакчи библиографи Н.Сидорова ёзади.

XVII аср ўрталарида солномачиларнинг дастлабки эслашларича, Морша қишлоғи қадимда рязанлик архиерейлар (юқори даражали черков руҳонийлари)га қарашли эди. У даврларда бу ерлик аҳоли деҳқончилик билан шуғулланган. XVIII асрда эса саноат ривожланган. 1779 йил 16 сентябрда қиролича Екатерина II фармонига кўра Морша қишлоғи Моршанск шаҳри деб аталиб, Тамбов қўл остидаги уезд шаҳрига айлантирилди.

Ҳозирги Моршанск – иқтисодий ривожланган шаҳар, шаҳар Марказий кутубхонасининг ўлкашунослик фондида тарихи етарли даражада тўлиқ ва ҳар томонлама акс эттирилган вилоятнинг маданий ва таълим марказларидан биридир.

Маҳаллий тарихий-бадий музей бўлиш билан бирга у Моршанск ўлкаси тарихий хотирасини ҳақиқий сақловчиси, шаҳар ва районнинг энг муҳим маданият ўчоқларидан бири ва бунда албатта бу муассаса раҳбари машҳур кутубхонашунос Лев Владимирович Трофимовнинг хизмати катта.

Йигирманчи-ўттизинчи йилларда район кутубхонаси ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг шиддатли, оғир, ҳатто фожиали воқеалари: қишлоқдаги синфий кураш, коллективлаштириш, қайғули Сталин репрессияси воқеаларига тортилган эди. Буларнинг бариси унинг кўпгина ходимлари ва китобхонлари тақдирида акс этди. Ҳозирда кутубхона фондида сақланаётган кўпсонли ўлкашунослик материалларида акс этган.

Улуғ Ватан урушининг суронли даврида Моршанск кутубхонасининг қироатхонаси қишлоқ аҳолиси тинч, бахтли ҳаётни эслатувчи бандаргоҳ бўлиб қолди. Уруш йилларида ҳам кутубхона китоблар ва вақтли нашрлар билан тўлдирилиб борилганини фахрийлар эслайдилар.

Ҳозирда Марказий шаҳар кутубхонаси – 14 ёшдан катта ёшдаги фойдаланувчиларга кутубхоначилик хизмати-ни ташкил этаётган ва кўрсатаётган маданий-маърифий, тарбиявий, ахборот муассасасидир. Йилига 11 мингдан ортиқ китобхон қатнаб, 260 мингга яқин китоб ва вақтли нашрларни ўқийдилар. Кутубхонанинг фонди 116 мингдан ортиқ нусхадан иборат. 16 ходим китобсеварларнинг турли қизиқиш ва талабларини бажарадилар. Ўлкашунослик эса энг кўп талаб қилинадиган мавзудир. Шаҳар кутубхонаси қошида ишлаб турган “Сударушка” клуби, маҳаллий шоирлар, ёзувчилар ва мусиқачиларни бирлаштирган “Истоки” адабий-поэтик бирлашмаси машғулоти ўлкашунослик-сиз ўтмайди.

Маҳаллий жой тарихига, анъаналари, фольклорига эътибор шаҳримизда ватанпарварлик туйғуларининг уйғонганлигидан далолатдир ва бу жараёни қўллаш биз кутубхоначиларнинг фуқаролик ва мутахассислик бурчимиз деб биламиз.

Шоҳобчаларга методик марказ ҳисобланган Моршанск марказий кутубхонаси уларга методик-библиографик ёрдам кўрсатади, янгиликларни уларнинг амалий фаолиятига жорий этишга ёрдам беради. Шу мақсадда ҳар кварталда семинарлар ўтказилади, жамиятни ахлоқий, ватанпарварлик, экологик тарбиялашга қаратилган мавзули дастурлар ишланади, малака усталари танлови уюштирилади. Қандай тадбир ўтказилмасин, унда ўлкашунослик қизиқишларини сақлаб қолишга ҳаракат қилинади.

Барча ишларда ўлкашунослик бўлими тарихий-ўлкашунослик музейи билан узвий алоқада ишлайди, демак ҳамкорликда кўргазмалар, муҳокамалар, танловлар ўтказиш имконияти пайдо бўлади, кутубхона акцияларининг аҳамиятини оширади.

Санъат бўлимининг катта қироатхонасида мавзули тадбирлар оммавий ишларнинг турли шаклларида фойда-

ланган ҳолда ўтказилади. Булар – ёшлар орасида кенг ўрин олган “Брейн-ринг” ток-шоу, адабий қаҳвахона, фойдали маслаҳатлар соати, билимлар соати, дарслар, янги китобларнинг премьераси ва тақдимномаси, машҳур шахслар ва уруш фахрийлари билан ижодий учрашувлар ва мусикий кечалар.

Бу тадбирларнинг ҳар бирида ўлкашунослик аспекти иштирок этади ва уларга маҳаллий матбуот, радио ва телевидениенинг диққат-эътибори билан жамоатчилик эътибори ортомқда. Одамлар кутубхона мисолида нафақат китоб сақлаш муассасаси, балки ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини аниқ акс этган ва эртанги кунни шаклландирган шаҳар ва район маънавий ҳаётининг муҳим маркази сифатида кўрадилар.

**Голанцева Я., Мисина Н., Пулькова З. Дар городу
//Библиотека.-2006.-№10.-С.23-24.**

Шаҳарга тухфа

2005 йилда Чувашияда “Чебоксари-Поволжьенинг дурдонаси” шаҳарсозлик мультимедий энциклопедиясини нашр қилиниши тугалланганлиги билан яқунланди. Ноёб справка нашри К.И.Чуковский номидаги Марказий шаҳар болалар кутубхонасининг етакчи ходимлари томонидан тайёрланган. Энциклопедия “Менинг шаҳрим”, “Жонажон ўлка маданияти”, “Чувашия адабиёти”, “Чуваш тили” умумтаълим фанларини ўрганишда ўқувчи ва педагогларга қўшимча қўлланма сифатида катта ёрдам беради.

Нашрни тайёрлашда Чебоксари шаҳри Чувашия Республикасининг пойтахти эканига асосий урғу берилди. Мавзули бўлинмаларни безатишда миллий костюм ва кашталар расмларидан, мусикий иловада халқ куйларидан, қатор мақолаларда – чуваш тили фойдаланилган.

Сарлавха кисмида республика ва унинг пойтахти, давлат рамзи, шаҳар устави ҳақидаги умумий маълумотлар, Республика Президенти ва ўз-ўзини бошқариш раҳбарлари тўғрисида ахборот ўрин олган.

“Саёҳат” бўлимига тарихи, табиати, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат муассасалари, спортнинг ташкил этилиши ва ривожланиши тўғрисидаги материаллар; саноат, қурилиш ташкилотлари, маҳаллий савдо, транспорт, алоқа муассасалари, маҳаллий ОАВ, туристик фирмалар тўғрисидаги справка маълумотлари киритилган.

Абитуриентларга олий ва ўрта махсус ўқув юртлири тўғрисидаги ахборот; давлат арбоблари, ёзувчилар, рассомлар, артистлар, спортчилар, яъни ҳаёти ва фаолияти республика ва шаҳар билан узвий боғлиқ бўлган ва номлари Чебоксари кўчалари ва проспектлари номларида абадийлаштирилган шахсларга бағишланган библиографик справочник эса ўлкашуносларга мўлжалланган.

Чувашия пойтахтининг диққатга сазовор жойлари (архитектураси, ҳайкалтарошлик ишлари, боғлари)нинг обзори ҳар томонлама кўргазмали ёритилган.

Энциклопедия таркибига:

- 560 мақола, жумладан 130 шахслар ҳақидаги материаллар;

- 430 дан ортиқ тасвирлар (расмлар, слайдлар, портретлар, фотосуратлар);

- 4 слайд-шоу;

- 2 видеофильм;

- чуваш ва рус тилларидаги 10 аудиоёзувлар

к и р и т и л г а н.

Барча материаллар расмлар билан бойитилган ва библиографик маълумотлар берувчи справка аппарати ҳамда электрон ресурсларга йўналтиришлар билан таъминланган.

“Маълумотномалар” бўлимчасида Қалъа шаҳарнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва тараққий этиши солномаси; Чебоксар номининг келиб чиқиш ривояти (ривоятлар ва олимларнинг фаразлари); саёхатчилар ва машҳур замондошларнинг тарихий гувоҳлиги; тўлиқ библиография; атамалар луғати фойдаланувчиларга тавсия қилинади.

Болалар дам олишини ташкилотчилар, педагоглар ва кутубхоначилар бу ерда ўлкашунослик сценарийларини ҳам топадилар, викторина ва кроссвордлар шаҳаршунослик соҳасида билимдонликни синаб кўриш имконини беради.

Электрон версияни тайёрлаш жараёнида оригинал “Маданий-тарихий харита” ишланди, унда 70 объект (хайкаллар, театрлар, музейлар, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғлари, кинотеатрлар, кутубхоналар, филармония) киритилиб, ҳар бир объект энциклопедиянинг маълум бир мақоласи билан боғланган. Харита шаҳар бўйлаб сиртдан саёхат қилиш имконини беради ва зарур ахборот кидиришни осонлаштиради.

Энциклопедияни яратишда Чебоксари маъмуриятининг мутахассислари, малакали дизайнер-дастурчилар, шунингдек Чувашия давлат гуманитар фанлар институти, Чувашия давлат бадий музейи, Чувашия миллий музейи, “Эткер” болалар ва ўсмирлар туризми ва экскурсия уйи мутахассислари, Чебоксар-чуваш епархиал бошқармаси, “Чувашия” давлат телевизион ва радиоэшиттиришлар компанияси, “Чувашия давлат филармонияси”, “СВ-Пресс” нашриёт гуруҳи ходимлари иш олиб бордилар.

Энциклопедия ҳақидаги айрим фикрларни келтирамиз:

- *“Кутубхона ходимлари томонидан катта иш қилинган, ноёб асар яратилган. Ўлкашунослик ахборотининг янги – электрон форматда берилиши ишнинг қимматлилиги ҳисобланади. Мазмунан универсал бу энциклопедия ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ўлкашунос-*

лик таълими беришда ёрдам беради. Бу асар муносиб баҳоланиши зарур”.

Тафаев Геннадий Ильич, тарих фанлари доктори, профессор, Чувашия давлат педагогика университети кафедра мудири.

• “Бу энциклопедия – малака билан тузилган справка-ахборот йўл кўрсаткичи бўлиб, Чебоксари ва Чувашия Республикаси аҳолиси, шунингдек уларнинг меҳмонлари ҳам талаб қиладиган наширдир. Интерфаол “Чебоксари шахрининг маданий-тарихий харитаси”нинг тенги йўқ”.

Бахмисов Эдуард Константинович, Чувашия миллий музейи директори, “Чуваш ўлкашунослари уюшмаси” кенгаши аъзоси.

**Мадьярова М. Эстафету Югры приняла Карелия:
Библиокараван-2006 //Библиотека.-2006.-№10.-С.21-22.
Югра эстафетасини Карелия қабул қилиб олди**

11-16 сентябрда Карелияда Россия оммавий кутубхоналарининг “Библиокараван – 2006” V форуми бўлиб ўтди. У Петрозаводскда бошланиб, унинг кейинги йўналиши республиканинг кичик шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб борди. Форум қатнашчилари учун қизиқarli ва мазмунга бой дастур тайёрланди. Улар давра суҳбатлари, шўьбалар мажлислари ва жойларда ўтказиладиган йиғинлар, шаҳар ва қишлоқ кутубхоналари, музейларига, жумладан “Кижини” тарихий-маданий ва этнографик музей-кўрикxонасига бориш, Вепский Прионежье ва Олонецкий миллий районларига бориш. Ушбу мақолада Югра Давлат кутубxонаси директорининг ўринбосари Мария Мадьярова бир йил олдин Хантис-Мансийск автоном округида – Юграда бўлиб ўтган худди шундай “Библиокараван – 2005” форуми хақида ҳикоя қилади.

Форум дастурига “Финноугорск кутубхона дунёси барча учун очик” Финноугорск кутубхоналарининг тақдимоти, “Ягона ахборот майдони ёки бирга бўлсак, нима қила оламиз”, “Оммавий кутубхона-омма учун кутубхона” шўъба йиғилишлари; “Финноугорск кутубхоналари: муаммолар ва ютуқлар”, “Югра китоби” давра суҳбатлари; “Кутубхона. Адабиёт. Китоб нашр этиш” конференцияси, “Югорск китоб дунёси” минтақавий кўргазма-ярмаркаси; округнинг оммавий кутубхоналари билан танишиш киритилган.

Минтақалар маданий бирлашмасида кутубхоналарнинг роли, кутубхоначилик лойиҳаларининг аҳамияти ва самараси, китоб алмашлашнинг ташкилий ва ҳуқуқий томонлари каби долзарб муаммолар муҳокама учун қўйилди. Маҳаллий ҳамжамиятда оммавий кутубхоналарнинг ўрнини белгилаш, кўп этникли аҳолига кутубхоначилик хизмати кўрсатиш, кутубхона фойдаланувчиларининг турли гуруҳлари ахборот эҳтиёжларини ўрганиш, маъмурий ислоҳотлар шароитида оммавий кутубхоналарнинг иши, нашриётчилик ва истеъмолчилик майдонининг шаклланиши масалалари билан боғлиқ мавзулар алоҳида қизиқиш уйғотди.

“Библиокараван – 2005” доирасида Финноугорск кутубхоначилик бирлашмаси вакиллари иштирокида тадбирлар бўлиб ўтди. Унда ҳамкорлик масалаларига ёндошиш тамойиллари шакллантирилган: Карелия Республикаси Миллий кутубхонаси яратган “Россиянинг Финноугорск кутубхоналари” портални қўллаб қувватлаш, Республика Миллий кутубхонаси билан Финноугорск халқлари тилларидаги адабиётларнинг йиғма электрон каталогини тузиш ва тўлдириб бориш, Финноугорск худуди ва кутубхоналари билан коллекция яратиш мақсадида китоб айрибошлаш ва ахборот алмашишни қўллаб-қувватлаш кабилар шулар жумласидандир.

“Библиокараван” – бу касбий мулоқот қилишнинг муваффақиятли шаклидир. “Кутубхонанинг тунги ҳаёти, ёки...” қарвоннинг топилмаси бўлди. Тунги ишида ёзувчи Алексей Слаповский билан учрашув бўлди.

Қарвонга тайёрланиш бошланганда унинг ягона рамзий ифодаси борлигини билиб, бошқа ўз вариантини ишлаб чиқдилар. Бу қум уюмларидан енгил ўтиб бораётган – саҳронинг абадий рамзи туя бўлди.

У таклифномаларни, пакетлар, блокнотлар, харита (иштирокчи қаердан келганини, аҳоли турар жойини харитада белгилаш учун кичкина туяча)ларни безатди ва натижада Россия ва Европа шаҳарлари ва қишлоқлари бўйлаб туялар қарвони кетаётганини эслатувчи белги эди. Иштирокчилар: Таллин, Петрозаводск ва Санкт-Петербургда то шарқда Новокузнецк ва Красноярск ўлкаси бўлди.

Қарвоннинг белгиси ОАВ туфайли таниш бўлиб қолди. Улар кутубхонанинг матбуот-релизини тўлиқ ёздилар, воқеалар тўғрисидаги ахборот радио ва телевидениени ҳам қизиктирди. Форумнинг очилиши кенг ёритилди.

“Библиокараван – 2005”нинг йўналиши – Ханти-Мансийск – Нефтеюганск – Сургут - Ханти-Мансийск автоном округи Сургут райони – Югра.

Унинг қатнашчилари Ханти-Мансийскда: Югра Давлат кутубхонаси, Обскоугорск амалий тадқиқотлар ва ишланмалар институтининг Илмий кутубхонаси, Югорск давлат университетининг Илмий кутубхонаси, Ханти-Мансийск шаҳар марказлашган кутубхона тизимининг болалар кутубхонаси, Табиат ва инсон давлат музейи, Геология, нефть ва газ музейи, “Торум Маа” очик осмон остидаги музейларни кўрдилар.

Нефтеюганскда: Марказий шаҳар кутубхонаси, Оилавий ўқиш кутубхонаси ва Марказий болалар кутубхонасини бориб кўрдилар. Шаҳарнинг ижтимоий масалалар бўйича бошлиғи ўринбосари Ю.Я.Аладин билан учраш-

дилар. МКТ да кўп йиллардан буён ишлаб турган Адабий меҳмонхона мажлисида бўлдилар.

Сургутда: Пушкин номидаги шаҳар Марказий кутубхонасида “Югорск китоби дунёси” минтақавий китоб кўргазма-ярмаркасида бўлдилар.

Карвончилар бу ерда икки гуруҳга бўлинишиб, бир гуруҳи шаҳар кутубхоналари бўйлаб саёҳатга, бошқаси – Сургут райони Белый Яр қишлоғига, Марказий район кутубхонасига кетдилар. Карвон қатнашчилари Сургут райони кутубхоналаридаги янги адабиётларнинг олиниси ва уларнинг ҳар бирида компьютер борлигидан ҳайратга тушдилар.

Улар автоном округнинг оммавий кутубхоналарини ижобий баҳоланишга лойиқ деб, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари билан муваффақиятли ҳамкорлик, кутубхоначилик майдонини, ижтимоий шериклик, минтақавий хотирани сақлаш, электрон ресурсларни яратиш, китобхонлар билан ишлашнинг янги шакллари масалалари бўйича тажрибани эшиттиришни таъкидладилар.

“Библиокараван – 2005” қатнашчиларининг “Мурожаат”и да касбий тадбирнинг бундай шаклда ўтказиш энг самарали эканини, Россия минтақалари оммавий кутубхоналарининг амалий иш тажрибалари билан танишиш, касбий мулоқот, ихтисос соҳасидаги энг долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини беришини таъкидладилар.

Юграда “Библиокараван – 2005” ўз эстафетасини Карелия Республикасига топшириб, унинг иши мазмунли, сермахсул ўтишини тиладилар.

“Фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида Интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларидан фойдаланиш” мавзусидаги “Central Asia – 2006” IV Халқаро конференцияси тўғрисида ахборот

2006 йил 18-21 октябрь кунлари Урганч-Хива шаҳарларида “Фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида Интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларидан фойдаланиш” “Central Asia – 2006” IV-халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланди.

Конференциянинг асосий ташкилотчилари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Тошкент ахборот технологиялари университети, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Урганч давлат университети, Тошкент Давлат маданият институти, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва бошқалар ҳамкор ташкилотчилар сифатида иш олиб бордилар.

Конференция ҳомийлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Тошкент ахборот технологиялари университети.

Конференцияда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси раҳбарияти, бўлимлар раҳбарлари, ФА Асосий кутубхонаси раҳбарлари ва етакчи мутахассислари, Миллий китоб палатаси раҳбари, Ўзбекистон Республикасидаги йирик кутубхоналар, Олий таълим муассасалари кутубхоналари, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари ва ходимлари, Тошкент Давлат маданият институти профессор-ўқитувчилар гуруҳи, Германиянинг Тошкентдаги Гёте институти вакиллари, Ўзархив агентлиги ходимлари ва архив раҳбарлари ҳамда шу соҳага алоқадор бўлган бошқа мутахассислар иштирок этдилар.

Конференцияни 19 октябрь куни Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори, “Central Asia – 2006” IV - халқаро конференция ташкилий кўмитасининг раиси А.О.Умаров кириш сўзи билан очди.

Ялпи мажлисда тингланиши режалаштирилган барча маърузалар давримизнинг энг долзарб муаммолари: Ўзбекистонда кутубхоначилик соҳасидаги ислохотлар, кутубхоналар фаолиятида иш жараёнларини автоматлаштириш, ахборот ресурсларини яратиш ва ундан фойдаланиш, кутубхоналар, архивлар, нашриётларнинг ҳамкорлик фаолияти, миллий ҳужжатлар меросини сақлаш масалалари, ахборот-коммуникатив технологиянинг фан, таълим, архив ишидаги ўрни ва роли каби масалаларни атрофлича ёритиб беришга қаратилган. Шунинг алоҳида эътирофи этиш жоизки, бу тингланган маърузаларнинг аксарият кўп қисми ахборот-техник воситалари ёрдамида кўргазмалар ҳолда тақдим этилди.

20 октябрь куни конференция ўз ишини 3-та секцияда давом эттирди. “Кутубхоналар, ахборот-кутубхона марказлари, ахборот-ресурс марказлари ҳамда архивлар маданият ва ахборотнинг ягона майдонида” деб номланган 1-секция Урганч ахборот ва компьютер технологиялари коллежининг мажлислар залида иш олиб борди.

Секцияда тингланган маърузаларнинг барчаси ҳозирги ахборотлаштириш даври талабига мос ҳолда барча кутубхоналарда ташкил этилаётган электрон ресурслар, виртуал кутубхоналар ташкил этиш тажрибаси ва муаммолари, вилоятларда ахборот-кутубхона марказларини автоматлаштириш ҳолати ва истиқболларига бағишланган ва унда барча қатнашчилар томонидан катта қизиқиш билан тингланди, баҳс ва мунозаралар билан борди.

Хоразм вилояти Хива тумани 28-мактабда бўлиб ўтган “Янги ахборот технологиялари ёш авлод учун” деб номланган 2-секция ишида асосан маориф ва таълим тизи-

мида ахборот-ресурс марказларининг роли ва имкониятлари, бу ресурсларни автоматлаштириш муаммоларига бағишланган маърузалар тингланди.

3-секция “Фан инфратузилмасида тиббиёт ва шифохона кутубхоналари: корпоратив тиббиёт кутубхоналари соғлиқни сақлаш хизматида” деб номланиб, у Хоразм вилояти илмий тиббиёт кутубхонасида ўтказилди.

Бу секцияда ҳам тиббиёт кутубхоналарида тиббиёт ходимларига хизмат кўрсатишда янги технологиялар, электрон ахборот ресурсларини яратиш ва фойдаланилишини таъминлаш масалаларига бағишланган маърузалар қилинди.

Ҳар бир секцияда асосий маърузалар тинглаб бўлингач, “Кутубхона-ахборот тизимларини ислоҳ қилиш: муаммолар ва ҳал этиш йўллари”, “Кутубхоналар, архивлар ва нашриётларнинг ҳамкорлиги. Ўзбекистонда ISBN ва ISSN ривожланиши”, “Ахборот технологиялари асрида ахборот хизмати кўрсатишнинг янги шакллари”, мавзуларида давра суҳбатлари; “Тиббиёт бўйича бепул Internet ресурслари” семинар тренинги; ИРБИС тизимида ишловчи кутубхоначилар учун “ИРБИС мактаби” семинар-тренинги ўтказилди.

Яқунловчи ялпи мажлисда конференция қатнашчилари конференция иши юзасидан фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Унда конференциянинг якуний ҳужжати қабул қилинди.

Конференция кутубхона-ахборот фаолияти соҳасининг ҳозирги ривожланган ахборот асрида аҳамиятини янада аниқ ва яққолроқ кўрсатиб берди. Уни ривожлантиришда бу конференция ва бу каби анжуманлар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан намунали тажриба мактаби бўла олади, ва бу конференцияни давом эттириш ўзининг самарали натижасини беради, деб умид қиламиз.

Бетгер ўқишлари – 2006

Ажойиб инсон Евгений Карлович Бетгер хотирасига бағишлаб ҳозирги замон жамияти инфратузилмасида кутубхоналарнинг ва ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг роли ва ўрнини аниқлаш ишида олимлар, кутубхонашунослик фанлари ўқитувчилари ва амалиётчи кутубхоначиларни жипслаштириш учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида мунозоравий давра суҳбатлари ўтказиш 2002 йилдан бошлаб анъанага айланди.

Давра суҳбатлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ахборот-кутубхона иши фаолиятини аниқ белгилашга ва шунга мувофиқ равишда ривожланишга бўлган интилишини акс эттиради. Жумладан, 2002 йилда давра суҳбати “Кутубхонанинг инновация фаолияти: ҳамкорлик ва ўзаро алоқалар” мавзусида, 2003 йилда “Кутубхона устиворликлари”, 2004 йилда “Кутубхона ресурсларидан фаол ва ижодий фойдаланиш муаммолари”, 2005 йилда “Кутубхоначи кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш” мавзуларида бўлиб ўтди ва кейинчалик материаллар тўпламлари нашр этилди.

2006 йилнинг 20 декабрь куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида навбатдаги “Бетгер ўқишлари – 2006” давра суҳбати “Ўзбекистонда кутубхона ишини ислоҳ қилиш масалаларига берилган баҳолар ва прогнозлар” мавзусида бўлиб ўтди. Унда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси, Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси, Тошкент тиббиёт академияси ахборот-ресурс маркази, Андижон, Бухоро вилоятларининг ахборот-кутубхона марказлари раҳбар ходимлари иштирок этдилар. “Бетгер ўқишлари”ни Алишер

Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Илмий ишлар бўйича директор ўринбосари И.З.Маминова олиб борди. “Бетгер ўқишлари – 2006” мунозаравий давра суҳбати Ўзбекистоннинг ахборот-кутубхона ишини ислоҳ қилиш билан боғлиқ муаммоларга бағишланди.

Давра суҳбати ниҳоясида муҳокама қилинган саволлар юзасидан тегишли амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мундарижа

Гаврилова Л. Сибирь оҳанглари	3
Захаркина В. Ўқиётган ўсмирлар ассамблеяси	4
Кондратьева Н. Яхши қўшничилик ифодаси	8
Обедина С. Бир занжирнинг халқалари	11
Лакосник С. Не исчезай, мое село!: Земля предков	15
Страхова В. Туманнинг ахборот майдони	17
Сидорова Н. Тарих кўзгуси	23
Голанцева Я., Мисина Н., Пулькова З. Шаҳарга тухфа	26
Мадьярова М. Югра эстафетасини Карелия қабул қилиб олди	29
“Фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида Интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларидан фойдаланиш” мавзусидаги “Central Asia – 2006” IV Халқаро конференцияси тўғрисида ахборот	33
Бетгер ўқишлари – 2006	36

